Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 132 (7. 221) 1990 йил 11 июнь, душанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Англиянинг Би-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбати берилган.

«Правда» почтасидан» рукуни остида «Ҳокимият ва масъулият» сарлавҳали туркум мақолалар эълон қилинган.

Шунингдек бугунги тонгги рўзномаларда КПСС XXVIII съездига тайёргарликнинг борши, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига доир ранг-баранг материалларни ўқишингиз мумкин.

Шижоатли меҳнат шарофати

ПЛАСТМАССА-фурнитуралари заводи ишчилари ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили планларини муддатидан илгари бажариш йўлида шижоат билан меҳнат қилишаяпти.

Ҳозир корхонада 60 га яқин ишчи кунлик топшириқни икки ҳисса адо этамиз шиори остида меҳнат қилмоқда. Қуювчи З. Жалилова, пардозловчи Я. Измайлбоевлар ойлик топшириқни 20 кунда уддалашга эришмоқда. Йиғувчи З. Исомиддинова, слесарь Д. Икромов, қуювчи Ш. Риковлар ана шу шоир остида ишлаб янгиянги марраларни эгаллашмоқда.

БУГУН улар 1990 йилнинг дастлабки 6 ойлик топшириқларини бажаришди.

Ф. УБАИДУЛЛАЕВ.

Келаси беш йиллик ҳисобига

СЕРГЕЛИ районидаги шина-ремонти заводида ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини муддатидан олдин якунлаш учун авж олдирилган социалистик мусобақада Нариман Розақов бошчилик қилаётган бригада пешқадамликка эришди.

БУГУН мазкур бригада жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан олдин бажарди.

Уларнинг йиллик топшириқлари 84 минг дона шинани қайта тиклаш эди. Бу ишлар ҳаммаси сифатли қилиб адо этилди.

Д. ОТАЕВ.

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Бир йўла тўртта

ПОЙТАХТИМИЗ аҳолисига қулайлик яратиш нисон саломатлиги йўлида ҳар бир имкониятлардан унумли фойдаланаётган пойтахт дорихоналар бошқармаси жамоаси яна 4 та дорихонани фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Булар метронинг «Ҳамид Олимжон» бекатида, Ҳумоюн даҳасида, «Ҳосилот» меҳмонхонаси биносида ва Киров районидадир.

Айни кунларда бу дорихоналарни жиҳозлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

— Июнь ойининг учинчи ўн кунлигида мазкур дорихоналардан исталган дармондориларни харид қилиш мумкин, — дейди шаҳар дорихоналар бошқармаси ташкилий ишлар бўлими бошлиғи С. Тоҳиров.

Д. ОБЛАЕВ.

Обуна—91

Муштарийларнинг ташвишланиши ўринлими?

«Ҳурматли, «Тошкент оқшоми» рўзномаси муҳарририяти! Шаҳримизда обуначилар ўртасида миш-миш юрибди: 1991 йилдан бошлаб рўзномалар нархи ошармиш, шунинг учун ҳам обуна нархи кўпаярмиш... Мен «Оқшом»ни жон-дилимдан севаман. Аммо, жўмабирдай жонмиз, болаларим ҳали ёш. Агар шу миш-мишлар рост бўлса, «Тошкент оқшоми»га обуна бўлиш, ҳар қалай, бизнес моддий жиҳатдан ночор оилаларга оғирлик қилмасмикан, деб ўйланиб қолдим. Унинг нархи бир неча фоизга эмас, бир неча баробар ошади, деган гап ростми?

Л. АББОСХЎЖАЕВА».

Ҳақиқатан ҳам рўзномамизга муштарийларимиздан келаётган хатларда ва уларнинг кўнғироқларида унинг баҳоси ошадими ёки йўқми, деган саволлар кўп берилмоқда. Шаҳарда бу борада, гап юрганлиги ҳам рост. Билмадим, бу миш-мишларни кимлар тарқатаяпти? Бу ҳақда аниқ бирон-бир маълумот йўқ-ку. Қизиқ, айни пайтда бизни бир нарса ўйлантираяпти: рўзнома ва журналларга нарх-наво аввалгидек «юқоридан» келган кўрсатма асосида ошавермайди-ку. Ҳозир қайта қуриш ва ошкоралик даври, шунинг учун ҳам албатта бу ҳақда рўзнома ва журналларнинг муҳарририяти ва жамоаси билан маслаҳатлашмасдан туриб уларнинг нархи ошириб юборилмаси керак.

Ҳозир муҳарририятимиз 1991 йилда рўзноманинг бундан ҳам мазмунли, ранг-баранг ва ўқимишли чиқиши учун янги рукунлар устида изланиш олиб бормоқда. Бу рўзнома журналистлари томонидан қилинаётган ҳаракат бўлса, иккинчи томондан сиз, азиз муштарийлар мадади ва қўллаб-қувватлаш бу ниятимизни амалга оширишимизда сув билан ҳаводек зарурдир. Сизларнинг хат-хабарларингизни доимий ёритиб бориш мақсадида «Оқшом—91» рукунини очяпмиз. Қаранг, худди мана шу масъулиятли паллада муштарийларимизнинг кўнглини совитишдан, «миш-мишчиларнинг муддаолари не экан? Ҳолбуки рўзномамиз обуна тарихида энг юқори кўрсаткичга эришиб турган бир вазиятда («Тошкент оқшоми» 140390 нусхада чоп этилаяпти), бизнинг мақсадимиз келгуси йили бундан ҳам юқори натижага эришишдир. Шундай кезда бу «миш-миш» кимнинг тегирмонига сув қуяётганини пайқаш қийин эмас! Бу бизни ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Аммо муҳарририятга келаётган хатлар, ҳайриятки, бизнинг ташвишимиз нойрин эканлигидан далолат бермоқда. Билмадик, агар бу гап-сўзлардан муштарийларимиз ва биз шунчалик ташвишланаётган эканмиз, унда мабодо рўзномалар ва журналларнинг нархи ошса, қандай ҳолга тушарканмиз?

Бироқ, бир нарса аниқ, ҳурматли муштарийлар! Нарх ошадими-ошмайдими, биз сизларга, сизларнинг қўллаб-қувватлашингизга доимо умидвормиз. Биз бутун қалб қўримизни, илҳомимизни сизларга бахшида этаверамиз. Негаки сизларга қувонч бахш этиш биз учун бенихоя завқлидир.

Л. Аббосхўжаева ва бошқа муштарийларимиз саволларига эса жавобимиз шундай: ҳозир бизга бу ҳақда ҳеч нима маълум эмас, агар шундай хабар келса, сизларни албатта ундан хабардор этишга ваъда берамиз.



СУРАТДА: «Оқшом» муштарийси.

Т. Каримов сурати.

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилди





Ўзбекистон Компартияси бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бахш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Келгуси беш йилликда фойдаланиладиган миллий даромаднинг катта қисми ижтимоий муаммолар комплексини ҳал этишга сарфланади. Шу йилнинг ўзидаёқ бу мақсадларга миллий даромаднинг салкам 90 фоизини сарфлаш мўлжалланган.

(Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди материалларидан).

Самоларга етар қўлимиз

Суратли репортаж



БУ корхонани ҳеч кўрганмисиз? Унинг поёнсиз ҳудуди, ўз бағрига минг-минглаб мухандис-техниклар, ишчи-хизматчиларни бирлаштирганлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотларига жаҳон тан бераётганлиги ҳақида кўп ёзилган. Биз яқинда бу ерда бўлганимизда гўё ўзимизни шаҳар ичидаги шаҳарга кириб қолгандек ҳис этдик. Йўқ, лоф эмас, ҳақиқатан ҳам уни ҳеч муболағасиз шаҳарча деб атайверинг! Қайта қуриш шарофати билан В. П. Чкалов номидаги самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз ишларини тубдан ўзгартириб юборди. Энди аввалгидек «сирли» самолётлар эмас, балки кўплаб халқ хўжалик юкларини ўз манзилига бир зумда элтиб берадиган транспорт самолётлари ишлаб чиқарилмоқда.

Яна шуниси қувончлики, бу ерда кенг истеъмол моллариниг ранг-баранг турлари — музлатгичлардан тортиб болалар аравачаларигача ишлаб чиқарилаяпти.

Йиғув цехида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Малакали йиғувчилар Николай Бессарабов ва Равшан Алиевлар ўзларига берилган топшириқларни бекаму-кўст адо этишга интиляптилар, ёшларга бу борада намуна бўляптилар.

Биргина бу ерда эмас, балки бирлашманинг бошқа кўпгина участкаларида ҳам бугунги кун нафасини сезиш қийин эмас. Шунисн қувончлики, кўпгина ишчилар бугунги кунда кечаги билим ва малака билан катта ютуққа эришиб бўлмаслигини ҳис этиб, ўз устларида астойдил иш олиб бормоқдалар — мунтазам малакаларини оширишга интилмоқдалар.

Шулардан бири Равшан Алиевдир. У ҳозир VI разрядли йиғувчидир. Уни ҳақиқатан ҳам ўз ишининг устаси дейиш мумкин. Ахир, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори бўлганлиги бежиз эмас!

Ўртадаги суратда эса ҳамроҳимиз суратчи Рустам Шарипов таққос учун велосипед миниган йигит билан корхонанинг асосий маҳсулоти — «ИЛ-76ТД» қудратли ҳаво кемасини лентага туширган. Бу Тошкентнинг бугунги кунда самоларга қўли етаётгани ўзининг рамзий ифодасини топаётгани эмасми, ахир!

Ҳ. АБРОРОВ.

Министр маслаҳат сўрайди

РАЙОН САНОАТ КОМБИНАТЛАРИ

Улар қандай фаолият кўрсатиши зарур?

Маълумки, район ва шаҳар саноат комбинатларини ташкил этиш ҳозирги ғоят муҳим тадбир бўлиб, назаримда бизнинг шароитимизда у янги одим бўлади. Сўнгги пайтларда одамлар қайси ишни қандай йўл билан бажариш ҳақида фикр-мулоҳаза билдирадилару, лекин амалий ишга киришилмасди.

Бирор бир қарорни қабул қилиш осон. Лекин амалда кўнгилдагидек бажарилишини таъминлаш қийинроқ. Бу минглаб одамларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, халқ истеъмоли буюмларини ва аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришда кўзга ташланиб қолди.

Бу оддий иш эмас. Биз узоқ вақт эркинлик учун курашиб келдик, лекин унга эга бўлгач нима қилишни билмай ҳайрон бўлиб қолдик. Район саноат комбинатлари ҳақидаги низомда қонун томонидан тақиқланмаган ҳамма ишни қилиш мумкин дейилади. Бундан кўпгина раҳбарлар ўзларини йўқотиб қўйдилар.

Демократия ва ошкоралик ҳақиқатан ҳам илгарилари очиқ-ойдин гапириб бўлмайдиган бир қатор муаммоларни юзага чиқарди. Ҳар қандай тақиқловларга нуқта қўйилгач, олдимизда қисқа фурсатда ҳал қилиниши лозим бўлган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар кўндаланг туриб қолди.

Бугун жумҳуриятимизда ўз лаёқатларига оид иш билан таъминланишини кутаётган 1 миллиондан зиёд аҳоли борлиги ҳаммага маълум.

Лекин бугун ҳаммадан муҳими ҳозиргача мавжуд ва эндиликда юзага келаётган муаммоларни мумкин қадар тезроқ бартараф этиш йўлларини топишдан иборат. Юзага келган аҳвол ҳақиқатан ҳам оғир, лекин ундан чиқадиган йўл борлиги аниқ. Бу йўлларни топиш зарур.

Бу борада менимча маҳаллий саноат муҳим роль ўйнаши мумкин ва шарт.

Ишни «юқоридагилар» кўрсатмаси билан ташкил этиш, уларнинг рухсат ва кўрсатмаси билан турли маълумотлар, хом ашё, ускуналарни келтиришга ўрганиб қолганлик бугун ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Яширишнинг нима ҳожати бор, кўпгина раҳбарлар ҳозир ҳам ана шундай иш юритиш истагидалар.

Ахир энди бундай ишлаб бўлмайди. Давлатнинг ҳамма бойликлари, моддий ресурслари чекланган. Инсоннинг ўйлаши, Қирғизистон, РСФСРга жўнатиларди. Алимкентда эса пахта толаси ва трикотаж маҳсулотларини қайта ишлаш ўзлаштирилди. Наманган вилоятида автомобиль ва мотоцикл ўриндиқларини учун қўй жунидан қоплама тикиш тикланди. Бундай қопламаларга талаб катта бўлишига қарамай, улар узоқ йиллар тикилмай келганди.

Район саноат комбинатлари ғоятда зарур. Уларнинг фаолияти чекланмаган. Бу корхоналарнинг аксарияти қурилиш материаллари тайёрлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, консервалаш, тандир тайёрлаш, нон ёпиш, металл буюмларни таъмирлаш, миллий кийим-кечак ва пойабзалларни тикишни режалаштиряпти.

Бу йил 70 та саноат комбинатларн ташкил этилса, келгуси йили уларнинг сони 154 тега етади. Агар маҳаллий Советлар бу ишга бош қўшиб, жиддий тайёргарлик кўрсалар, тез фурсатда унумли натижалар кўзга ташланиши мумкин. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Яккабоғ районида оқсоқоллар, жамоа хўжалиги раислари билан маслаҳатлашиб, ҳайрли ишга қўл урдилар. Улар алоҳида майдонда дурадгорлик, ёғочга ишлов бериш ҳамда темир панжара тайёрловчи участкаларки очдилар. Район ҳудудида ана шундай участкалардан яна 56 таси очилиб, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этади.

Биз «юқори»нинг кўрсатмаси билан ишлашни танқид қиламиз, лекин шу билан бирга мустақил фаолиятда тажрибамиз етишмаслигини ҳам ҳис қиляпмиз. Шунинг учун ҳам тошкентлик саноатчиларга илтимос билан мурожаат этамиз. Ҳамшаҳарларимиз район саноат корхоналари нималар билан машғул бўлиши кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсалар. Улар ўз таклифларини тўғридан-тўғри министрликка, ёки рўзномаларга йўллашлари ҳам мумкин.

Ахир, янги район комбинатларининг ташкил этилиши иш билан банд бўлмаган аҳолини фаол меҳнатга жалб қилиш, истеъмол буюмлари турларини ва ҳажмини кенгайтиришга, маҳаллий бойликлардан унумли фойдаланишга қаратилгандир. Сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз келгуси ишларни ташкил этишга ёрдам беради.

В. ЧЖЕН,
Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри.

ИҚТИСОД БЎЛИМИДАН: Министрнинг илтимосини чоп этар эканмиз, тошкентликларнинг бу муҳим ишда фаол қатнашишларига ишонч билдирамиз. Чунки турмушимизнинг фаровонлиги бизнинг ташаббусимиз ва ишчанлигимизга боғлиқ.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МАҒЛУБИЯТИ

ITALIA'90

БИРИНЧИЛИК бошланишидан олдин Руминия терма командасининг тренери Еней: «Жамоамиз кутилмаган «янгилик»ларни намойиш қилиши мумкин, СССР — Руминия ўйини эса гуруҳдаги ўринларнинг тақсимланишида муҳим роль ўйнайди. Бироқ мен командамизнинг нимчорак финалга чиқишига қатъий ишонаман», деган эди. Бу деман, румилар хусусан, биринчи ўринга жуда катта тайёргарлик кўрганлар. Афсуски, мамлакатимиз футбол жамоаси ҳақида бундай фикр билдириш ўринсизга ўхшайди.

Энди 9 июнда Бари шаҳридаги «Нуово Комунале» стадионида 42.907 ишқибоз шоҳидлигида ўтган худди ана шу ўйинга тўхталсак. Командалар қуйидаги таркибда майдонга тушишди: СССР — Дасаев, Горлукович, Рац, Кузнецов, Хидиятуллин, Литовченко (Яремчук), Бессонов, Алейников, Добровольский (Бородюк), Заваров, Протасов; Руминия — Лунг, Редник, Клейн, Попеску, Андоне, Ротарию, Лупеску, Сабэу, Тимофти, Лэкэтуш (Думитреску) Разучею (Бален).

Беллашув Ватанимиз футболчиларининг ҳужумлари билан бошланди. Бироқ улар бир қанча қулай вазиятлардан унумли фойдалана олмадилар. Рақибларимиз эса қарши ҳужумларни жуда усталик билан уюштирарди. 42-дақиқада Лэкэтуш Дасаев дарвозасини забт этди: 1—0. 57-дақиқада Хидиятуллин жарима майдончасидан бир метрча берироқда тўпни қўли билан тўхтади. Учрашув ҳаками Карделино жамоамизни ўта ноҳақ 11 метрлик жарима тўпи билан жазолади. Лэкэтушнинг кучли зарбаси ва ҳисоб 2—0. Шундан сўнг ўйиннимнг бутунлай қовушмади. Айниқса ҳимоячиларимиз жуда бўш ўйнадилар. Дасаевнинг катта маҳорати туфайлигина ҳисоб ўзгармади. Энди терма командамиз гуруҳдаги икки ўйинда камида уч очко тўплаши керак. Эслатиб ўтамиз: кейинги ўйинимиз 18 июнда Аргентина терма командаси билан бўлади.

Шу куни яна Колумбия — Бирлашган Араб Амирликлари учрашуви ўтказилди. Унда колумбияликлар 2:0 ҳисобида зафар қучдилар. Италия — Австрия беллашувида Скилаччи зарбасидан сўнг ўйин 1:0 ҳисобида италияликлар галабаси билан тугади.

Кеча эса биринчиликдаги энг йирик ҳисоб қайд этилди. ЧСФР футболчилари АҚШ спортчиларини 5:1 ҳисобида енгдилар. Бразилия—Швеция ўйинида Кареканинг икки тўпидан сўнг 2:1 ҳисобида Жанубий америкаликларнинг қўли баланд келди. ГФР — Югославия учрашувида Ғарбий германияликлар 4:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

«ПАХТАКОР» ҒАЛАБАСИ

Кеча «Пахтакор» 1-лигананинг навбатдаги тур учрашувида ўз майдонида Тюменнинг «Геолог» командасини қабул қилди. Ўйинни уюшқоқлик билан ўтказган ҳамюртларимиз рақибларини 2:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Тўпларни 22-дақиқада И. Шкиярин ва 64-дақиқада И. Шариповлар дарвоза тўрига туширишди. Натижада «Пахтакор»да кучли ўнликка кириш имконияти туғилди.

Д. НСРОНЛОВ.



⊙ ЖИЛОКОР. Халқимизнинг уй-рўзғор жиҳозларига бўлган диди ва талаби бундан бир неча йил аввалгига қараганда беқиёс ошиб кетди. Бу — табиий, албатта. Ахир, турмуш савиямиз ўша йилларга қарганда ошганлиги яққол кўриниб турибди. Буни уй-рўзғор жиҳозлари ишлаб чиқараётган корхоналарнинг жамоалари ҳисобга олмай иложлари йўқ. Сифатсиз, дидсиз тайёрланган маҳсулотнинг бозори касод бўлиши турган гап. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент мебель фабрикасининг кўплаб дурадгорлари ўзларига талабчанликни оширишга интилмоқдалар.

Шулардан бири Собир Кенжабоевдир. У бу ерда 10 йилдан зиёд вақтдан бери ишлаяпти. Ҳамкасбларига намуна бўларли ишлар қиляпти.

Т. Каримов сурати.

Хизматидан эл мамнун

ҚОДИРЖОН ака эсини танибдики, ўзини эл-юрт ишига камарбаста деб билади. Кўплаб хонадонларга янги хушхабарларни етказади, қувонч олиб киради, .Шунинг учун ҳам каттаю ёш уни кўриши биланоқ салом бериб, хуш кайфият билан қарши олади.

Қодиржон акани рўзномалар тарқатувчи бўлиб ишлашига оилавий шароити мажбур қилди. У ўспиринлик вақтиданоқ Собир Раҳимов районидаги 19-алоқа бўлимига келиб меҳнат қила бошлади. Четдан қараган кишининг назарида бу иш унчалик мураккаб эмас. Аммо рўзномалар хонадонларга кеч бораётган, вақтида олинмайдиган пайтда почтачилик касбининг ўзига хос қийинчиликларини ўйлашга мажбур бўласиз.

Қодиржон ака Боймонов 57 йилдирки, бундай муаммога ўрин қолдирмаяпти. Хонадонларга тарқатиладиган кундалик матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб бермоқда. Элда эъзоз топган Қодиржон ака Боймонов фақат рўзнома тарқатувчигина эмас, матбуотни тарғибот қилувчи фаол ташвиқотчи ҳамдир. У ўзи хизмат қилаётган кўча ва хонадонларда йўл-йўлакай матбуотнинг бугунги кундаги роли ҳақида қизиқарли ва таъсирчан суҳбатлар олиб бормоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
меҳнат кексаси.

Аҳвол қачон ўзгаради?

МЕТРОНИНГ «Халқлар дўстлиги» бекатидан чиққан ҳар бир кишининг нигоҳи баланд ва муҳташам турар жой биноларига, шу уйларнинг тагида жойлашган қатор савдо расталарига тушади. Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган бу муҳташам уйлар орасида В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи ҳам бор. Метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати хизматидан фойдаланувчиларнинг кўпи саройдаги тадбирлар билан қизиқиши шубҳасиз. Лекин бекатнинг қайси томонидан чиқманг, саройда бўлаётган ёки бўлажак концертларни реклама қиладиган эълонлар тахтасини учратмайсиз. Бу муаммони илгари ҳам кўтарган эдик. Аммо натижа бўлмади.

Тўғри, саройнинг ёнгинасидаги билетлар сотувчи кассалар олдида эълонлар тахтаси бор. Унда санъат масканида ўтказиладиган тадбирлар ёзиб қўйилган. Бекатдан чиққан одамнинг буни билиш учун касса ёнига боришининг ўзи бўлмайди. Қўлида юки бўлса анча уриниб қолиши мумкин. Қолаверса, бунинг учун маълум вақт ҳам керак. Айниқса, ишдан чарчаб қайтаётган одамнинг ортиқча юришга тоқати бўлмайди. Шундай экан, саройдаги бўладиган ҳар хил тадбирларнинг рўйхати учун метронинг чиқиш жойида тахтачалар ўрнатилса айни муддао бўларди.

Ғ. ЮСУПОВ, ишчи.

Эътиборга муҳтож уй

Октябрь районининг Ўзгариш кўчасидаги Кирки боши берк кўчасида 30-уй бор. Унинг қурилганига 40 йилдан ошди. Бироқ уй ҳалигача на таъмирдан чиқарилди, на тартибга келтирилди. Шунинг учун ҳам эски фондга тегишли бу уйда яшовчилар санитария-гигиена нормалари бузилаётганлигидан қаттиқ хавотирга тушмоқдалар. Чунки уйнинг ичида на сув бор, на бошқа зарур нарса. Чой қўйиш учун одамлар челак кўтариб ҳовлига югуришади. Ташқарига чиқишингиз биланоқ димоғингизга урилган қўланса ҳиддан кўнглингиз беҳузур бўлиб кетади. Негаки 30-уй Кирки боши берк кўчасининг охирида жойлашган. Ён-атрофдаги уйлардан оқиб борган ифлос сув шу уйнинг олдида тўпланиб қўлмак ҳосил қилади. Натижада атрофни чивин-пашша босиб кетади. Бу ифлослик ҳар қандай касалликнинг тарқалишига йўл очиб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам мутасадди ташкилотлардан ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Турар жойлардан фойдаланиш бошқармасидагилар ташвишларимиз билан қизиқишни ўзларига лойиқ кўрмадилар. Район ижроия комитетидагиларнинг бу ишга ўгай муносабатини гапирмасак ҳам бўлади. Ҳайронман, эътиборга муҳтож уй яна қачонгача шу аҳволда ётаркин?

Ҳ. ҲАКИМОВ.



Сувсиз бўстон кимга керак?

БИЗ 1983 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Октябрь районининг Генерал Узоқов кўчасидаги 9 қаватли уйда яшай бошладик. Кўчиб келганимиздаги хурсандчилигимизни-ку ҳеч қандай таърифга сиғдириб бўлмайди. Афсус-надоматлар бўлсинки, бу қувончимиз узоққа чўзилмади. Келганимиздан бери тўртинчи қаватдан юқорига бир ой бўлса, 3 ой совуқ сув чиқмайди. Ҳар икки кунининг бирида мотор қуйиб қолади. Турар жойлардан фойдаланиш бошқармаси (ЖЭК)дан мотор олиш эса жуда қийин экан. Аввалига қўни-қўшнилар 1 сўм, 1 сўмдан пул йиғиб у ер-бу ердан мотор келтириб турдик. Ҳалигача шушу. Кейин ўйланиб қолдик, «Бола йиғламаса она сут бермайди» қабилида иш тутаётганлар бизни уч ойда бир марта сув ичадиган жониворлар қаторига қўшиб қўйяптими?! Қолаверса, нима биз ҳар ойда фойдаланмаган сувимиз учун коммунал хизмати ҳақини тўлаяпмиз?

1989 йили 11 ноябрь куни яна ўша мотор қуйиб қолди. Мана ҳозир йилнинг энг саратон палласи, совуқ сувимиз йўқ. Ҳар сафар турар жойдан фойдаланиш бошқармасига борганимизда «Мотор йўқ. ғилангар топа олмаяпмиз» деган жавобларни эшитяпмиз. Ахир мотор деган нарса анқонинг уруғи экан, нима учун баланд қаватли уйлар қурилади. Хўп қурилар экан, аввалдан юқорига сув чиқариш ўйланса бўлмайдими? Қачонгача одамлар сарсон бўлиб, идорама идора юриши керак?

Хуллас, қачонгача совуқ сувсиз ўтириш мумкин?

Генерал Узоқов кўчаси 2-уйда истиқомат қилувчилар номидан:
М. АҲМЕДОВА.

Жами 36 имзо.

«Бўшатиб қўйинг» эмиш

МЕТРОДА поезддан тушиб келаётган бир гуруҳ кишиларнинг гурунги бекатлар эътиборини тортди. Афтидан улар шаҳримиз меҳмонларига ўхшарди.

— Бўшатиб қўйинг, дегани галати туюлади одамга, — деди улардан бири. — Бизнинг ўзбекларда бундай дейилмайди чоғи.

— Ҳалиям бошқа гапни айтмаганига шукур қилсангизчи, — ҳазилга олди меҳмоннинг ҳамроҳи.

Шу мулоқот боис метромиз маданиятига хос менда баъзи бир фикрлар пайдо бўлди. Биринчидан поезд жилишидан олдин магнит лентасига ёзиб олинган «Эшиклар ёпилади» деган жумланинг жаранглашига эътибор беринг-а. Одамга унчалик ботмайди. Бунинг ўрнига оддийгина қилиб «Поезд жўнайди» деб эълон қилиш нақотки мумкин бўлмаса. Қолаверса, станцияни бекат ёки манзилгоҳ деб айтиш ҳам менимча тўғрироқ бўларди.

«Вагонларни бўшатиб қўйинг» дейиш ҳақиқатан ҳам кишига эриш туюлади. Бу бизнинг шарқона меҳмондўстлигимизга хос эмас. Масалан, автобусга ёки такси ва енгил машинага ўтириб манзилингизга етиб олсангизу, ҳайдовчи «Энди машинани бўшатиб қўйинг», деса қандай аҳволга тушасиз. Шундай пайтда ҳайдовчини одобсиз, тарбия кўрмаган, маданиятсиз кишига чиқариб қўйишингиз турган гап. Менинг таклифим бу сўзнинг ўрнига «Метронинг сўнгги бекатига етиб келдик азизлар, энди сизлар билан хайрлашамиз» дейилса нур устига аъло нур бўларди.

Т. РАҲИМБОЕВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Доимий комиссияларда

Тайёргарлик пухта бўлсин

⊙ **Биз ҳокимият органларининг янгича иш услубига, янги шаклларига аста-секин ўрганиб бораяпмиз. Буларнинг қанчалик самарали бўлишини келажак кўрсатади. Ўйлаймизки, бунинг учун кўп вақт кетмаса керак. Ҳозирданоқ шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, кўпчилик депутатларимиз бошқарыш санъатини тезроқ ўзлаштиришга интилмоқдалар.**

ЖУМЛАДАН, ҳозир сессияларда масалаларни кўриб чиқишнинг қоидаларидан бири доимий депутатлик комиссияларининг олдиндан тайёргарлик ишлари олиб боришидир. Масалан, янги чақириқ Тошкент шаҳар Совети структурасида 13 та ана шундай комиссия ташкил этилган. Уларнинг ҳаммаси шу кунларда иккинчи сессия кун тартибига киритишга қарор қилинган масалаларни синчиклаб кўриб чиқмоқда ва ўрганмоқда.

Яқинда икки доимий комиссия — халқ таълими, ёшлар билан ишлаш, миллатлараро муносабатлар, байналмилал тарбия ҳамда фан, маданият, адабиёт ва санъат, тарихий меросни муҳофаза этиш комиссияларининг аъзолари қўшма мажлисга тўпландилар. Мажлисни иккинчи доимий комиссия раиси А. Хўжаев олиб борди. Доимий депутатлик комиссиялари аъзолари олдида бир неча муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини айтиш вазифаси турарди.

Улар жисмоний тарбия ва спорт бўйича шаҳар комитети раиси лавозимига номзодни муҳокама қила бошладилар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси бу лавозимга ҳозирги республика кўнгилли жисмоний тарбия-спорт жамиятлари кенгаши раисининг ўринбосари Ш. М. Усмоновни тавсия этади. Бу ерда бу масала юзасидан дарҳол аниқлик киритиш лозим, негаки маълум бўлишича, ҳатто ҳамма депутатлар ҳам шаҳар хизматлари, бошқармалари, комитетларининг раҳбарларини номзодликка кўрсатиш ва тасдиқлаш механизми билан таниш деб бўлмайди. Бу лавозимларга номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига фақат шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси эгадир. У ўз «команда»сини шакллантиради. Депутатлар эса доимий комиссияларнинг мажлисларида ва сессияларда лавозимга кўрсатилган мазкур номзодни тасдиқлашлари ёки рад қилишлари лозим. Кейинги ҳолда ижроия комитет раиси янги кишини депутатлар муҳокамасига тавсия этишга мажбур ёки депутатларни ўз танловининг асослиэканлигига ишонтиришга ҳаракат қилади. Бу — жуда муҳим палла, агар сессия тасдиқлаган раҳбар тез орада бутун ишни «барбод» қилса, бунинг учун айбни депутатлар ҳам ўз зиммаларига олишлари керак.

Шунинг учун ҳам салкам бир соат доимий комиссия аъзолари даъвогар билан суҳбатлашдилар. Фақат унинг билимдонлиги, масалаларни нечоғлик билишинигина эмас, балки унинг шахсий нуқтаи-назари, режалари ва ҳатто кайфиятини ҳам аниқладилар.

Бундай эҳтирос билан қизиқиш тушунарлидир, албатта. Тошкент фақат оммавий жисмоний тарбия шаҳригина эмас, балки катта спорт шаҳри сифатида ҳам бир пайтлар шуҳрат қозонган эди. Кейинги йилларда ача шу шон-шуҳрат деярли йўқотилди. Шаҳарда спорт иншоотлари сони деярли кўпаймаётир. Борлари эса тобора нураб бораяпти. Аҳоли турар жойларида, меҳнат, ўқув жамоаларида спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш унутиб қўйилган.

Ш. М. Усмонов кўплаб саволларга жавоб бераркан, назаримда, тўпланганларни ишонтира олди. У фақат рўй берган вазият билан яхши таништигина эмас, балки келгусида нима ишлар қилиши ҳақида аниқ дастурга ҳам эга эди. Шунинг учун уни бу лавозимга тавсия этишди. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз: суҳбат ҳар икки томон учун фойдали бўлди — депутатлар даъвогарнинг етарлича билимдонлигига, унинг бу соҳадаги ишларни қайта қуришга аҳди қатъийлигига ишонч ҳосил қилдилар. У эса ўз дастурига кўшимчалар киритди. Бир неча муҳим масалаларни ҳисобга олди, негаки бу масалаларни ҳал этишдан депутатлар ва уларни сайлаганлар манфаатдордирлар. Шунга умид қилиш мумкинки, раҳбарларни бундай тайинлаш тажрибаси ўз натижаларини беради — барча муҳим лавозимларга ҳар томонлама саводли кишилар, шу лавозимда ишлашни хоҳловчи ва ишлаш қўлидан келадиган мутахассислар келмоқдалар.

Асосий масала — сайловчилар наказларини бажариш режасининг лойиҳаси муҳокамаси мажлисда жуда кўп вақтни олди. Шаҳар Совети ташкилий-совет ишлари бўлимининг бош мутахассиси В. В. Пятаев комиссия аъзоларига ахборот берди. Сайловолди мавсуми чоғида тушган наказлар синчиклаб ўрганилди, таҳлил этилди, улар юзасидан мутахассисларнинг хулосалари берилди. Унинг якунида қабул қилинган 532 наказ бажариш учун рўйхатга киритилди. 48 та наказ эса холис сабабларга кўра рад этилди. Бинобарин, бажариш учун қабул қилинган 516 та наказ шу чақириқ шаҳар Совети фаолияти муддатида амалда оширилмоғи лозим. Қолган 16 та наказни ҳал этиш билан эса янги чақириқ шуғулланади.

Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бу режани тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилмоғи керак. Сессиянинг ўзи уюшқоқлик ва самарали ўтиши учун депутатлар унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриб келишлари лозим. Шу мақсадда ҳозир доимий комиссиялар тўпланишаяпти. Уларнинг ҳар қайсиси ўзларига дахлдор бўлган наказлар туркумини кўриб чиқишади. Бу икки комиссиянинг қўшма мажлисида халқ таълими ва маданият масалаларига тааллуқли 88 та наказ кўриб чиқилди. Шундан еттитаси бўйича салбий хулоса берилди. Рад этиш сабабларини кўриб чиқишга жуда катта эътибор берилди. Шаҳар план комиссиясининг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи С. М. Ниёзов ахборотини эшитиб, Киров районида маданият маркази ва Чилонзор районида ёзги кино-театр қурилиши бўйича наказларни бажариш асослари равишда рад этилганлиги билан келишдилар. Афсуски, булар учун маблағ йўқ, «қолдиқ принципи»га эса ҳали охиригача барҳам берилмаган. Шунингдек Ленин районидаги ихтисослаштирилган интернат биносини мактабга бериш тўғрисидаги наказ ҳам рад этилди. (Ҳозир у ерда типовой мактаб қурилмоқда). Яна иккита наказ—талабаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш ва араб алифбосини сотувга кўпроқ чиқариш тўғрисидаги наказлар республикага дахлдордир. Зотан, бу масалалар ҳозирдаёқ ҳал этилмоқда. Шунинг учун ҳам бу наказларни рад этиш билан тўпланганлар келишиб қўя қолишди. Юнусобод ва Чилонзорда маҳалла марказлари қурилиши бўйича бошқа икки наказ шаҳар план комиссиясига кўриб чиқиш таклиф этилди. Негаки, уларни бажариш учун имконият мавжуддир. Иккита доимий комиссия аъзолари мажлис протоколига буларнинг ҳаммасини ёзишгар экан, ўз ҳамкасблари Н. М. Мирқурбоновга уларнинг фикрини сессияда баён этишни топширдилар.

Баъзи жиҳатлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Депутатлар кун тартибининг мана шу бандини муҳокама қилиш мобайнида кўпгина масалалар туғилди. Улар юзасидан В. В. Пятаев тушунтириб берди. Биринчидан, шаҳар Советининг иккинчи сессияси кўриб чиқиши лозим бўлган тадбирлар режаси лойиҳасига сайловчилар томонидан сайловолди мавсуми жараёнида, яъни 18 февралгача бўлган даврдаги наказларгина кирган, холос. Такрорий сайловларни ўтказиш вақтида берилган наказлар эса ҳозир тартибга солинмоқда, таҳлил этилмоқда ва улар ҳам албатта сессияларда кўриб чиқилади. Аммо кейингиси, табиийки, катта иш ҳажмлари билан боғлиқ. Иккинчидан, наказларнинг бир қисми район Советларига ёки Ўзбекистон ССР Олий Советига дахлдор бўлганлиги сабабли кўриб чиқиш учун юборилди. Учинчидан, депутат, айтайлик, халқ таълими бўйича доимий комиссия аъзоси янги йўл ёки автомат-телефон станцияси қурилиши бўйича наказ олган бўлса ва агар унинг бажарилишидан манфаатдор бўлса, ана шу йўналишдаги доимий комиссияларнинг ишида қатнашиши мумкин. Бундан ташқари ҳозир барча тармоқлар бўйича ҳамма наказлар рўйхати берилган брошюра тайёрланмоқда. Депутатлар яқин орада ана шу режа лойиҳаси билан олдиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Ўйлаймизки, мана шу жиҳатларни ҳисобга олиш депутатларга сессияга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўриб келишларига ва бу масалаларни аниқлашга ортиқча чалғимасликка ёрдам беради.

Икки доимий комиссия мажлисидан олиб ёзилган маколани тугатар эканмиз, шуни қўшимча қилмоқчимизки, шаҳар Совети иш регламенти, доимий депутатлик комиссиялари тўғрисидаги вақтинчалик низом, маҳалла ва мавзе комитетлари тўғрисидаги низом лойиҳаларини кўриб чиқилди ва тузатишлар, мулоҳазалар, қўшимчалар киритилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Советининг бюллетени тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлаб юборишга қарор қилинди.

Л. ПАРПИЕВА.

Хориждан хабарлар

⊙ РИМ. Италия парламентининг биносида Италия Компартиясининг таниқли арбоби (ИКП Марказий Комитети халқаро бўлимининг собиқ мудири), ИКП Марказий Комитети партия турмуши муаммолари комиссиясининг раиси Антонио Руббининг «Горбачев билан учрашув» китобини расмий равишда тақдим этиш маросими бўлди. Китобни Италиянинг «Эдитори риюнити» нашриёти чиқарган бўлиб, 1984 йил июнидан 1989 йил ноябргача бўлган даврни ўз ичига олади.

Леонильде Йотти китоб сўнгги даврда жаҳондаги бутун вазиятни ишонарли акс эттирганлигини ҳамда дунёнинг энг дадил ва сергайрат кишиларидан бирини тушунишга имкон беришини айтди. Бу китоб зўр қизиқиш билан ўқилишига ишонаман, деди у.

⊙ ТЭРНБЕРИ (Шотландия). Бу ерда НАТО кенгашининг ташқи ишлар министрлари иштирокидаги сессияси очилади. Сессия қатнашчилари СССР билан АҚШ раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги учрашув якунларини, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни, қуролсизланиш муаммоларини, айниқса оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш соҳасидаги муаммоларни, янги халқаро вазиятда НАТОнинг роли ва стратегиясини муҳокама қиладилар. Сессия қатнашчилари ҳузурида Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер нутқ сўзлайди ва у шу ердан ташриф билан тўғри Совет Иттифоқига жўнаб кетади.

⊙ ВАРШАВА. Июнь ойидаги парламент сайловида «Бирдамлик» қўллаб-қувватлаган гражданлар комитетларининг номзодлари галаба қозонган эдилар. Орадан бир йил ўтгач, ана шу ҳаракат ичида ўткир келишмовчиликлар пайдо бўлди ва бу келишмовчиликлар ажралиш хавфини солмоқда. «Бирдамлик» касаба уюшмаси Умумпольша комиссияси билан гражданлик парламент клубининг чоршанба куни бўлиб ўтган мажлиси шундан далолат бермоқда.

Л. Валенса шахсан ўзи «Бирдамлик» гражданлик комитетидан чиқишини айтди ҳамда «Газети виборчей»нинг биринчи саҳифасидаги «Бирдамлик» рамзини олиб ташлашни талаб қилди. У яқинда ўзининг тарафдорлари томонидан тузилган «Марказчи кучлар битими»ни қўллаб-қувватлади, бу ташкилот Польша республикаси президенти лавозимига Л. Валенса номзодини кўрсатган эди. Бинобарин у ана шундай имкониятни истисно этмаслигини айтди.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ авиация — космик саноатининг «Авиэйшн Уик Энд Спейс Текнолоджи» ҳафтаномаси ўз нашрини рус тилида чиқариш режаларини эълон қилди. Бу фақат Америкада эмас, бутун дунёда авиация ва космонавтика билан боғлиқ ҳарбий-сиёсий, техникавий ва тижоратга доир хилма-хил муаммолар ҳусусидаги ахборотларнинг энг нуфузли манбаларидан бири.

Ҳафтанома нашири Кеннет Газзола ана шу ҳафтанома эгаси ҳисобланган «Макгроу—хилл» корпорациясининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида яқинда рус тилида «Авиэйшн Уик Энд Спейс Текнолоджи»нинг пайдо бўлишини эълон қилиб, журналнинг совет бозорига чиқарилиши жаҳон сиёсатидаги реал ўзгаришларнинг ифодаси, ҳамкорлик қилишга интилиш кучайиб бораётганлигининг ифодаси эканлигини айтди. «Авиэйшн Уик Энд Спейс Текнолоджи» ҳафтаномасининг эгалари унинг рус тилидаги нашрини ҳар уч ойда бир марта чиқаришни режалаштирмоқдалар.

(ТАСС).



⊙ **ШВЕЙЦАРИЯДАГИ кўпгина трамвайларда яқинда мана шундай реклама пайдо бўлди. Базель трамвайчилари буни бежиз ўйлаб топишмаган. Йўловчилар сонини кўпайтиришнинг йўлини топишди: қайси бола унда машза қилиб сайр этишни хоҳламайди дейсиз? Маҳаллий банкнинг ана шу рекламасини вагонда намойиш этиб унинг эгалари анчагина пул мукофоти оладилар.**

Кейстон — ТАСС сурати.

Хат босилмаса ҳам

ҚЎШИМЧА БЕКАТ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Таҳририят оқшомхон С. Яҳёевнинг қўшимча бекатлар ташкил этиш ҳақидаги таклиф хатини Тошкент шаҳар ижроия комитети барча турдаги пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармасига чора кўриш учун юборган эди. Бошқарма бошлиғи А. Мўминов имзоси билан олинган жавобда шундай дейилади.

«Навоий кўчасидаги Хадра ва Чорсу бекатлари оралиғида трамвайлар ва Воровский кўчасида эса автобуслар учун қўшимча бекатлар жорий этиш ҳақидаги таклифлар Тошкент шаҳар ижроия комитетининг барча турдаги пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Воровский кўчасида автобуслар учун қўшимча бекат жорий этиш ҳақидаги таклифингиз бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

Биринчидан, ушбу кўчада бекат ташкил этиш учун ҳаракат хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган жой йўқ, яъни автобус бекатлари чорраҳага етмасдан камида 150 метр масофада бўлиши керак. Иккинчидан, «Самолётсозлар бозорчаси» бекатидан завод эшигигача бўлган масофа 200 метрни ташкил этиб, бу масофа йўловчиларнинг пиёда юриш меъёри доирасидадир.

Навоий кўчасида Хадра ва Чорсу бекатлари оралиғида трамвайлар учун қўшимча бекат ташкил қилиш масаласига келсак, бу таклиф трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси вакиллари билан биргаликда жойга чиқиб кўрилди. Ҳақиқатан ҳозирги вақтда Чорсу билан Хадра оралиғидаги масофа анча узоқ. Шу сабабли қўшимча бекат ташкил қилиш зарур, деган қарорга келинди.

Лекин бекат ташкил этишдан олдин, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳаракат қисми четига тўсиқ ўрнатилиши лозим. Бу тўсиқни ўрнатишни шу йилнинг иккинчи ярмида амалга ошириш Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига топширилди. Тўсиқ ўрнатилгандан сўнг трамвайлар учун қўшимча бекат жорий этилади».

ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

Рўзнома муштарийн Л. Ҳамидовнинг «Кассага нега қулф тушди?» деб номлаган хатини Акмал Икромов район молия бўлимига шарҳлаб бериш учун юборган эдик. Ушбу хатга район молия бўлими мудири А. Асамутдиновдан қуйидаги жавобни олдик.

«Акмал Икромов район молия бўлими шуни маълум қиладики, ҳақиқатан район жамғармаси ва аҳолига қарз бериш банкининг 0352-бўлими жорий ремонт қилинганлиги туфайли вақтинча ишламай турган эди.

Ҳозирда эса таъмирлаш ишлари тугалланиб, касса доимий равишда ишлаб турибди».

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

ЁЗ. У чўмилиш учун ҳар куни кўлга анҳор ёқалаб борарди. Йўлда — анҳорнинг у ёғида, мўъжазгина уй ёнида ўн уч ёшлар чамасидаги икки қизни дўппи тикиб ўтирганини кўрарди. Улар дам чақчақлашар, дам қўшиқ хиргойи қилишарди. Йигит қизларнинг бирига қандайдир қизиқиброқ қарай бошлади.

Дастлабки кунлари у синглисини эркалатгандек қизга қарата: «Менга қачон дўппи тикиб берасиз?» деб ўтарди. Ҳа, ҳа, синглисини эркалатгандек ҳис туғён урарди унинг қалбида.

ДЎППИ БИТИБ ҚОЛДИМИ?

Шингил ҳикоя

Ёш қизнинг бу гапга жаҳли чиқар: «Вой анаву йигитни, жинни бўлганмисиз» дер, дугонасига қарар ва кулишиб йигит ортидан қараб қолишарди.

Йигит эса ҳар ўтганда шу саволни берар ва тўхтамай ўтиб кетарди. Анча ергача қизларнинг шўх кулгиси қулоғи остида қўнғироқдек жарангларди.

...Йиллар ўтди. Қиз ўн олти ёшга тўлди. Энди анҳор ёқалаб борар экан қизни кўриши билан: «Менга атаган дўппини қачон тикасиз?» дея савол бериб ўтарди. Қизнинг жаҳли чиқиб юзини четга ўгирар, тиззасидаги тикувини тезлатмоқчи бўлгандек қўлларини нинага югуртирарди-ю, қўли ҳеч ишга бормай йигит ортидан узоқ термулиб қоларди. Йигит энди бу саволни бериб ўтар экан, унинг қалбида синглисини эркалагандек туйғу эмас, балки бошқача ҳис олови ёнарди...

Қиз ўн еттига тўлиб балоғатга етганда ҳам йигит ҳамон ўша анҳор ёқалаб кўлга борарди. Балки қизни кўрмоқ, дийдорига тўймоқ учундир. Энди у қизга очиқданочиқ: «Дўппи битиб қолдими?» дея савол ташларди. Қиз ҳамон жавоб бермасди-ю, маъноли тикиларди. Тилида сўзламасди-ю, дилида гўё «Сизга атаган дўппим аллақачон битган», деяётгандек бўларди.

...Қисмат экан, улар бир-бирига етишолмади. Қиз тиккан дўппи ўзга ёр бошига қўнди. У ўша дўппини ҳар кўрганда анҳор ёқалаб ўтадиган, унинг юрагига чўғ ташлаган ўша йигитни ўйлар, унинг «Менга атаб қачон дўппи тикасиз?», «Дўппи битиб қолдими?» деганлари қулоқлари остида жарангларди. Балки энди бу овозлар абадий жаранглар.

Восит АҲМАД,
Андижон вилоят «Коммунист» рўзномасининг ходими.

Санъатнинг сеҳрли олами

Орзулари кўп ҳали



ДУНЁДА муаллим касбидек қийин ва масъулиятли касб бўлмаса керак. У шогирдига нафақат ўқитувчи, унинг энг яқин дўсти, катта ҳаётга бошловчи маслаҳатгўйи ҳамдир. Ўқитувчининг бир оғиз ширин гапи янги бир истеъдодни кашф этиши, ё аксинча ноўрин силташи «йилт» этган учқунни буткул ўчириши мумкин.

Ёш, истеъдодли мусаввир Холматжоннинг суҳбатида бўлиб, асарлари билан танишиб шулар ҳақида ўйладим.

...Ўшанда олтинчи синфда ўқирди. Адабиёт дарси эди. Ўқитувчи Одил ака Охунжонов Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини ўқувчиларга ўқитарди. Ҳамманинг кўзи китобда. Фақат Холматгина бошқа иш билан овора. У ҳозир дарс кетаётганини буткул унутган.

— Файзиев, келган жойидан ўқичи, — деб қолди кутилмаганда Одил ака. — Қани эшитамиз.

Холмат каловланиб қолди. Шоша-пиша китобни олдига сурди. Бироқ қаердан давом эттиришни билмасди. Муаллим оҳиста қадам ташлаб унинг тепасига келди.

— Ҳалиям топмадингми? Нима қилаётгандинг?

— Расм чизаётганди, — унинг ўрнига жавоб берди ёнида ўтирган қиз.

— Шунақами, бир кўрайчи, — Одил ака китоб остидаги қора қаламда чизилган суратни қўлига олди.— Қойил, Абдулла Қаҳҳорни ўхшатибсан. Сендан яхши рассом чиқади. Бўшашма. Лекин бир дарсда бошқа машғулот билан шуғулланишни одат қилма. Яхши эмас.

Шу икки оғиз гапда айтилган ўгит ва ишига берилган баҳо Холматга катта сабоқ бўлди. Илгари унда рассом бўлишга ишонч йўқ эди. Ўқитувчи далдасидан руҳ олди, бутун вужуди билан ижодга берилди. Бешолти кундан сўнг икки-уч машқини расм ўқитувчисига олиб бориб кўрсатди. У эса мактаб кўргазмасига қўйишни таклиф этди. Кейин Н. Островский номидаги пионерлар саройи, П. П. Беньков номидаги жумҳурият рассомлик билим юрти, Тошкент Давлат педагогика институти бадиий графика куллиётида устозларидан жуда кўп нарса ўрганди, билимини оширди ва ижод оламига кириб борди.

Ёш рассом ижодида шаҳримиз тарихи, ҳаёти кенг ўрин тутади. Унинг «Чуқур кўприк», «Тушлик», «Ўзбек ҳовлиси», «Тўй», «Чорсу» асарларини киши бефарқ томоша қилиши мумкин эмас. Сабаби, уларда қадимий уйлар, миллий урф-одатларимиз шундай жонли ва маҳорат билан тасвирланганки, тан бермай иложингиз йўқ.

— Ҳар кимнинг ихлос қўйган ўз рассоми бўлади,— дейди Х. Файзиев. — Мен Ванго ижодидан руҳ оламан. Унинг асарларида қандайдир сеҳр яширингандек туюлади менга. Кейин шеърият ҳам доимий ҳамроҳим. Бу одат балки бобом—шоир Мискиндан ўтгандир. Ҳар қалай бирон-бир яхши шеър мутолаа қилгудек бўлсам, қалбим ҳиссиётларга тўлади, кўнглим нималарнидир чизишни тусаб қолади.

Уч-тўрт йил бурун «Илҳом» ёшлар кўргазмасида унинг натюрморти намойиш этилганди. Иши устозлари ва мутахассислар томонидан муносиб баҳоланди. Ютуқ ва камчиликлари кўрсатилди. Ҳозир у Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасида рассомлик қилиш билан бирга, тинмай изланишда. Ахир шаҳримизни безаш, унга чирой бахш этиш осон иш эмас. У мусаввирдан катта меҳнат, тинимсиз изланиш талаб этади.

Мусаввирнинг орзулари кўп ҳали. У катта ижод йўлининг бошида турибди. Ажаб эмаски, бу йўл ёш истеъдод соҳибига ижодий баркамоллик бахш этса.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

⊙ СУРАТДА: рассом Х. Файзиев.
Х. Мирзакаримов сурати.

Китоб жавонингизга

Тўпламлар, қисса ва хотиралар

ШУ ЙИЛНИНГ ўтган ойлари мобайнида «Ёш гвардия» нашриётида нашр этилган 44 номдаги китобларнинг аксариятини ўқувчилар мамнуният билан кутиб олишди.

⊙ Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Нотаниш орол» тўплами мухлисларга яхши туҳфа бўлди. Ушбу тўпламда адиб бугунги кун нафаси, мураккаб социал-ижтимоий жараёнлар, адабиётимиз ва санъатимизнинг ҳозирги аҳволи, келажаги ҳақида фикр юритади. Бу эса мавжуд оғриқларимиз хусусида китобхонда кенг тасаввур уйғотади.

⊙ Ёш носир Аббос Саидовнинг «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Райҳон иси тутган ҳовли» китобидан ўрин олган қисса ва ҳикоялар ажойиб инсонларга бағишланган.

⊙ Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Бир хумча тилла» тўплами ҳам китобхонлар қўлига тегди. Тўплам адибнинг кейинги йилларда ёзган ҳажвий ҳикояларидан ташкил топган. Унда жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга тўғаноқ бўлаётган салбий ҳодисалар: порахўрлик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш каби иллатлар фош қилинади.

⊙ Ўқувчилар мамнун кутиб олган яна бир асар — бу ёзувчи Ё. Яквалхўжаевнинг «Қайтар дунё» романидир. Асарнинг асосий мавзуси — инқилоб йиллари Шарқий Туркистонда рўй берган воқеалардир. Янги тузумга кўниколмай ўз ватанини тарк этиб Хитой ва Туркия мамлакатларида мусофирликда умр кечираётган кишиларнинг тақдири ўқувчини ўйлантиради, чуқур мулоҳаза юритишга ундайди.

⊙ Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига бағишлаб атоқли ёзувчи К. Симоновнинг «Урушсиз йигирма кун» повести ҳамда Улуғ Ватан уруши кексаси К. Муҳамедовнинг «Чекинган ўлим» ҳикоялар тўплами ҳам нашрдан чиқди.

⊙ Таниқли адабиётшунос олим, мунаққид Матёқуб Қўшжонов Улуғ Ватан урушида мерган бўлгани кўпчиликка маълум. Унинг уруш йилларида ёзиб борган кундаликлари асосида «Тепки босилди» номли хотиралари бир китобга жам бўлди. Бу асар ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ,
ТошДУ талабаси.

ЮЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН...





ЎЗБЕКИСТОН ССР Давлат Санъат музейида фарғоналик рассомларнинг икки кўргазмаси ташкил этилди. Асарлари кўргазмадан ўрин олган ижодкорлар орасида санъат ихлосмандлари айниқса Юрий Усеинов ишларини қизиқиш билан томоша қилишаяпти. Унинг амалий санъат соҳасидаги ишлари авваллари ҳам мутахассислар томонидан муносиб баҳоланганди. Айни кунларда рассомнинг «От билан натюрморт», «Комар» каби асарлари намойиш этиляпти.

Яна бир фарғоналик ижодкор Любовь Семизорова ижодида эса она Ерга муҳаббат асосий ўринни тутади. Бу ёш, умидли санъаткор Фрунзе бадиий билим юртида ўқиб юрган йилларидаёқ ушбу мавзуни асосий мақсад қилиб олган эди. У 1981 йили «Ўзбекистон рассомлари ижодидан» кўргазмасида «Мовий Самарқанд» асари билан қатнашиб, мухлислар ва мутахассислар эътиборига тушган эди. Эндиги кўргазма эса Л. Семизорованинг ижодда янада юксалаётганини кўрсатди. Музейга келувчилар унинг «Бахт», «Икковлон» ва «Гулдаста» асарларини қизиқиш билан томоша қилишяпти.

Шунингдек, кўргазмадан ёш ҳайкалтарош Анатолий Утеганов ишлари ҳам ўрин олган. Асли марғилонлик бўлган бу йигит П. П. Беньков номидаги жумҳурият бадиий билим юртида, сўнгра А. Н. Островский номидаги театр-рассомлик санъати институтида ўқиб юрган кезларидаёқ умидли истеъдодлардан эканлигини кўрсатган эди. У асосан дарахт танасидан ҳайкалчалар яратади. Дарахтга иккинчи, абадий умр бахш этади.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, яхшиси амалий санъат ихлосмандлари музейга ташриф буюриб, ушбу кўргазмаларни ўз кўзлари билан кўрганларига нима етсин.

Ирина БОГОСЛОВСКАЯ,
санъатшунос.

⊙ СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган асарлардан намуналар.
В. Харитонов кўчирма лавҳалари.

Назм дафтаридан

ТУҒИЛМОҚ ИМЛОСИ

Туғилмоқ имлоси лаҳзадир-лаҳза,
Ки, ишқ ибтидоси лаҳзадир, лаҳза.
Жонга ўлим ваҳмин солма эй, иблис,
Қазонинг ижроси лаҳзадир, лаҳза.

ҲАЁТ ҚАФАСИ

Еллар билан анқиб гуллар нафаси,
Қалбга тегиб ўтди бир алам саси.
Қийналиб кўз ёрган ғунча дер: ҳайҳот,
Бунчалар тор эрур ҳаёт қафаси...

ОЛОВ ИЧИНДА

Ёнадур азиз жон олов ичинда
Замину ҳам макон олов ичинда.
Мангу ишқ ўтида куяр жонимиз,
Дилу дину имон олов ичинда.

ҚУЁШ

Олтин созин жўшиб чертмоқда қуёш,
Мавжудот тин олиб куйга эгди бош.
Сайҳонлик бағрида вужуди титраб,
Хўрсиниб инграрди улкан қора тош...

ЧУМОЛИ

Бизда бўлса шернинг журъат-камоли,
Шу кун бошланарди дунё заволи.
Сен нечун қасд этиб нобакор тангри
Бизларни яратдинг ожиз чумоли?..

МЕҲР ГУЛИ

Зукколар билмайин ором-ҳаловат
Меҳр гулин ўстирар чекиб машаққат.
Камолот аршига етишмоқ они,
Заковат мулкига чанг солар ҳасад.

ҒАФЛАТ

Уйқудан изларим жонга ҳаловат,
Уйғон деб ҳайқирди, юрак бетоқат.
Ахир уйқу эрур ўлимга ёндош,
Кўз юмиб, кун кўрмоқ қабиҳ жиноят.

БОШОҚ

Бошинг янчиб ўтса-да қора ғаддор тош
Яна такрор кўтардинг қайта бош?
Мен ҳақиқат тимсоли — исёнкор уруғ,
Жаҳолатни енгадир мендаги бардош!..

Нусрат КАРИМ.

Маданият хабарлари

Ижодий сафар

Октябрь район Ойбек номидаги 115-ўрта мактаб қошидаги драма студияси Сирдарё область Бахмал районида ижодий сафарда бўлиб қайтди. Улар ўз сафарларида ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз-совхозлар, пионер лагерларида бўлишиб таниқли ёзувчи Александр Чхеидзенинг «Қалбингга қулоқ сол» қиссаси асосида тайёрланган саҳна асари ҳамда куй-қўшиқлари билан маданий хизмат кўрсатдилар.

Дамира РАЎПОВА.

Танлов якуни

Олти ойдан бери давом этаётган «Менинг биринчи китобчам» номли кўрик-танлов ниҳоясига етди. Кўрик-танловда адабиётга қизиққан ва ижод қилишга лаёқати бўлган жумҳуриятимиздаги юздан ортиқ юқори синф ўқувчилари илк ижодлари билан қатнашдилар. Шартга кўра ўз асарларида Она-Ватанга муҳаббат, дўстлик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, афғон дарди, Орол бўйи фожиалари каби муаммоларни ёритиб беришга ҳаракат қилдилар. Тошкентдан Юлдуз Мухторова, Фарғона шаҳридан Ориф Тўхтаев, Сурхондарё областидан Насрулло Холмуҳамедов, Қарши шаҳридан Худойназар Дўстқобиловлар ижодлари юқори баҳоланди.

Дония ЗОКИРОВА.

Чернобиль болаларига ёрдам

Ўзбекистон Чернобиль аварияси зонасидан келган болаларни меҳмондўстлик билан кутиб олди. Кооперативлар ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар комитети хайрли иш қилди. Чернобиллик ўттиз нафар кичкинтой икки ҳафта мобайнида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Чиноз» пансионатида дам олади. Улар учун бутун сарф-харажатларни кооператорлар касаба уюшмаси «Меҳрмурувват» программасига ажратилган маблағдан тўлади.

— Болаларга ёрдам бериш ғояси В. И. Ленин номли болалар жамғармаси ўтказган машҳур телемарафондан кейин туғилган эди, — деди янги касаба уюшмаси шаҳар комитетининг раиси М. Абдуллажонов. — Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи «Эстетика» кооперативи Чернобиль фожиаси оқибатларини тугатиш учун уч минг сўм ўтказди. Тошкентдаги 29-болалар уйи тарбияланувчиларининг Иссиқкўлдаги шифохоналардан бирида дам олишини уюштириш учун ҳам маблағ ажратдик.

(ЎзТАГ мухбири).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).



МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

«Семурғ» ўйинчоқлари

12—14 ИЮНЬ КУНЛАРИ

2/5 Қорақамиш даҳасидаги савдо комплексида жойлашган

3-МАГАЗИНДА

ва Навоий кўчасидаги шаҳар ярмаркасида жойлашган

8/2-МАГАЗИНДА

(«Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида)

ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО КЎРГАЗМАСИДА

Тошкент «Семурғ» фирмасида ишлаб чиқарилган пластмасса, пластизол, резина ва мўйнали ўйинчоқлар намойиш қилинади.

Магазинлар соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача.



«ТАШКУЛЬТТОРГ»

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Деразадаги нур

ҲЕЧ қачон анғишвона, сочни жингалак қиладиган, тўқийдиган ускуналарни, яъни майда-чуйда нарсаларни ким ишлаб чиқариши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Маълум бўлишича, мана шундай майда-чуйда маҳсулотларни бизнинг мамлакатимизда кўзи ожизлар ишлаб чиқаришар экан. Аниқроғи, махсус ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқаради. Фақат Москванинг ўзидагина бундай корхоналардан саккизтаси мавжуд. Кўзи ожизлар қишлоқ магазинларида уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини севиб харид қилишларидан жуда ҳам фахрланадилар. Уларнинг фахрланишлари бежиз эмас. Тўғри, энг майда-чуйда нарсалар ишлаб чиқаришса-да, ахир, бу нарсалар одамларнинг кор-ҳолига кўпроқ ярамоқда.

— Бу жуда ҳам оддий, деб тушунтирди 6-ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг директори Алексей Алексеевич Кашин, унинг ўзи юз фоиз кўриш қувватини йўқотган одам, — бутун гап шундаки, агар кўзи ожиз одам ҳеч нарса билан машғул бўлмаса бутун эътиборини ўзига қаратади, дардини ичига ютиш эса кўп ҳолларда уни ногирон қилиб қўяди, жамиятдан узиб қўяди.

А. А. Кашин буни яхши биларди. Участка устаси, бошлиғи бўлиб ишлаган, кейинчалик эса директор бўлган чоғда кўнглига тугиб қўйган орзуларни амалга оширишга аҳд қилди. Натижа яққол кўриниб турибди.



⊙ СУРАТДА: ишлаб чиқаришда тажриба орттирган А. Шарапов балалайка куйи остида ишлаб чиқариш гимнастикасини ўтказмоқда.

ТАСС сурати.

Олий ўқув юртларида

«Мўъжизасиз мўъжизалар»

ТОШКЕНТ давлат тиббиёт институтида «Мўъжизасиз мўъжизалар» кечаси ўтказилди. Уни ташкил қилишда тайёрлов бўлимининг декан ўринбосари Ислом Неъматов, ўқитувчилардан, Маҳбуба Раҳматуллаева, Матлуба Юнусова, Ораста Камолова, Шуҳрат Одилов ва бошқалар фаоллик кўрсатишди.

Кечада тингловчилардан Ф. Мусаева, Н. Шодибекова, Ш. Ҳатамов, Ғ. Дўстжонов, Д. Аҳмедова, Ғ. Латифбоевларнинг турли мавзулардаги қизиқарли маърузалари кўпчиликка манзур бўлди. Шунингдек, А. Ҳамроев, Н. Саломов, А. Хидировларнинг кимёвий «мўъжизалар»ни тўпланганлар катта қизиқиш билан томоша қилишди. Бундан ташқари, И. Неъматовнинг жумҳуриятимизнинг ҳозирги пайтдаги экологик аҳволи, кимё фанининг ривожланиш истиқболлари ва сўнгги ютуқлари хусусидаги маърузаси ҳам талаба ва ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди.

Тингловчилар устозларига бағишланган шеърлар ўқишиб, уларни табрикладилар, дилрабо қўшиқлар ва рақслар кеча файзига файз қўшди.

М. НУРМАТОВА.

ТАЙИНЛАШ

⊙ Ўзбекистон ССР прокурори буйруғи билан Мирзалам Ахатович Мирзаев Тошкент шаҳрининг Куйбишев райони прокурори этиб тайинланди.

М. А. Мирзаев 1950 йилда туғилган. КПСС аъзоси. В. И. Ленин номидаги ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетини битирган. 1974 йилдан буён прокуратура органларида ишлайди. Фрунзе район прокуратураси терговчиси, тергов бўлими прокурори, Тошкент шаҳар прокуратураси катта терговчиси бўлиб ишлаган. Сўнгра бўлим прокурори, Ўзбекистон ССР прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлиб ишлади. 1987 йилдан бошлаб эса тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари — Тошкент шаҳар прокуратурасининг ички ишлар органларида тергов ва дастлабки тергов устидан назорат бўлинмасининг бошлиғи бўлиб ишлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БЎШ ШИША ИДИШЛАР — МАГАЗИНГА!





Орамиздан ким ҳам минерал сув ва лимонад, кефир, сметана ва майонез харид қилмайди, дейсиз! Сиркалама (маринад)**ларсиз, ўсимлик мойи ва шарбатларсиз ҳам рўзғор юритиш осон эмас.**

Бўш шиша идишлар эса ошхона жавонларида, шкафларда, балконларда йиғилиб қолади, кўпинча ташлаб ҳам юборилади.

Айни пайтда озиқ-овқат саноатида бўш шиша идишларга бўлган эҳтиёж кўп ҳолларда қайтариб топширилган идишлар эвазига қондирилади. Шунинг учун ҳам эртага магазинга кириб, юқоридаги маҳсулотларни сотиб олишингиз мумкин бўлиши учун

ОРТИҚЧА ШИША ИДИШЛАРНИ МАГАЗИНГА ТОПШИРИНГ!

ҚУЙИДАГИ ШИША ИДИШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Ватанимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган арақ, ликерли, коньяк ва бошқа ўткир ичимликлар, узум ва мева-резаворларли винолардан бўшаган шиша идишлар;

Ватанимизда ишлаб чиқарилган шампань виноси, пиво, минерал сув ва алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, қиёмлар, экстрактлардан бўшаган шиша идишлар;

Ватанимизда ишлаб чиқарилган консерваланган мева-сабзавот, балиқ ва гўшт-ўсимлик маҳсулотларидан бўшаган шиша идишлар;

Ватанимизда ишлаб чиқарилган сут, қаймоқ, сут-қатиқ маҳсулотлари, майонез, ўсимлик мойидан бўшаган шиша идишлар.

Шунингдек, ёш гўдаклар таомлари, сут, кефир, биолактдан бўшаган шишачалар ва асалдан бўшаган банкалар ҳам қабул қилинади.

Шуни билиб қўйингки, тагида вино, ликерли-арақ маҳсулотлари, минерал сув, пиво, пахта ёғи чўкмаси қолган шиша идишлар ва баллонлар шунингдек, колерьеткали ёрлиқли шиша идишлар ва ёрлиғи ювилмаган шиша консерва банкалари ҳам қабул қилиниши мумкин.

Аҳолидан: дарз кетган, синиқ, ёриқ, қопқоқлари тўла олинмаган; ювилмайдиган бўёқ билан маркаланган; бўйнида ёки корпусида ҳалқаси бўлган; корпусида «Б» ҳарфли доира шаклидаги тамғаси бўлган;

«техтара» ёзувли;

ичида пўкак ва бошқа нарсалар қолиб кетган;

бўйнида пластмасса қалпоқчалар, металл ҳалқалар ва фольга қолдиқлари бўлган;

ёт ҳидлар — керосин, ёғлар, медикаментлар ва бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳиди қолган

шунингдек гаров нархлари қўйилмаган

ШИША ИДИШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ

Бунда идиш топширувчи шахс мол харид қилишқилмаслигидан қатъи назар, топширилган идишлар учун амалдаги гаров нархлари прейскурантига мувофиқ суратда ҳақ тўланади.

Шиша идишларга қўйилган гаров нархлари тўғрисидаги ахборот қабул қилиш қоидаларининг тўлиқ матни, қабул қилиб олувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек юқори савдо ташкилотининг манзили ва телефонлари кўрсатилган ҳолда (шиша идишларни қабул қилиб оладиган магазинлар учун) кўринарли жойга осиб қўйилади.

ШИША ИДИШЛАРНИНГ ГАРОВ НАРХЛАРИ:

Турли хил ичимликлардан бўшаган 0,5; 0,7; 0,76; 0,8 литр сиғимли шиша идишлар учун — 20 тийиндан; 0,33 литр сиғимли шиша идишлар учун 10 тийиндан; сут маҳсулотларидан бўшаган 0,5 литр сиғимли шиша идишлар учун — 15 тийиндан; ёш гўдаклар таомидан бўшаган шиша идишлар учун — 10 тийиндан;

консерваланган маҳсулотлардан бўшаган 0,4; 0,5; 0,8 ва 1,0 литр сиғимли банкалар учун — 10 тийиндан; 2,0 литр сиғимли идишлар учун 30 тийиндан; 3,0 литр сиғимли идишлар учун — 40 тийиндан; сметанадан бўшаган 0,2 литр сиғимли, майонездан бўшаган 0,25 литр сиғимли ва асалдан бўшаган идишлар учун 10 тийиндан қилиб белгиланган.

ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАЕРГА ТОПШИРИШ МУМКИН?

Шаҳардаги ҳамма ноҳияларда барча турдаги шиша идишларни исталган миқдорда қабул қилувчи 178 та ихтисослашган қабул пунктлари мавжуд.

Бундан ташқари, шиша идишлар 700 га яқин озиқ-овқат магазинларида қабул қилинади — шу жумладан савдода мавжуд бўлган ичимликларга айирбошлаш тартибида ҳам қабул қилинади.

Шунингдек, шиша идишларни қабул қилиш бўйича 26 та кўчма нуқта ташкил этилган.

Аҳолига қулайликлар яратиш учун қуйидаги озиқ-овқат савдоси ташкилотлари ҳузурида шиша идишларни уйга бориб қабул қилувчи бешта ширкат ташкил этилди

ФРУНЗЕ ноҳияси, телефон 53-51-14.

ОКТЯБРЬ ноҳияси, телефон 44-38-41.

АКМАЛ ИКРОМОВ ноҳияси, телефон 75-64-55.

ЧИЛОНЗОР ноҳияси, телефон 77-86-66.

СЕРГЕЛИ ноҳияси, телефон 58-36-29.

Қабул пунктларининг иш тартиби аҳолига қулай бўладиган осма лавҳада кўрсатиб қўйилади.

Шуни назарда тутингки,

омбор бинолари йўқлиги,

яшчиклар йўқлиги,

нақд пул, транспорт йўқлиги,

шунингдек саноатнинг шиша идишларни қабул қилишдан бош тортганлиги ёки бошқа турли сабаблар

АҲОЛИДАН ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН БУЙИН ТОВЛАШГА АСОС БЎЛА ОЛМАЙДИ.

ШИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИШ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН МУНОЗАРА ЁКИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛЛАРДА 33-72-59 телефонига қўнғироқ қилинсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.









ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Майсаранинг иши,** 13/VI да **Икки дил достони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 11/VI да **Анқовлар чайқови,** 13/VI да **Нурхон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/VI да **Найнов ва пакана,** 12/VI да **Майсаранинг иши,** 13/VI да **Фармонбиби аразлади.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера) 13/VI да **Нажот истаб.**

КИНО



11 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Нунус — «АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Дружба — «ҲОКИМНИНГ СОЯСИ» (тоқ соатларда); «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (жуфт соатларда).

Москва — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?» (17, 20.00); «ЕЛҒИЗЛИК ВАҚТИ» (жуфт соатларда).

Восток — «АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ» (17.30, 20.40).

Фестиваль (ёзги) — «ФИДОЙИ» (21.00).

12, 13, 14 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Нунус — «АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Дружба — «ҲОКИМНИНГ СОЯСИ» (тоқ соатларда); «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (жуфт соатларда).

Москва — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КАРОТИН БЎЛГАНМИДИ?» (11, 14, 17, 20.00); «ЕЛҒИЗЛИК ВАҚТИ» (жуфт соатларда).

Восток — «АВАРИЯ» —ХИТНИНГ ҚИЗИ» (11, 14, 16, 17.30, 20.40).

Фестиваль (ёзги) — «ФИДОЙИ» (21.00).

Ўзбекистон жумҳурият, Тошкент шаҳар ва вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари Жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Р. Ғ. Гуломовга ўғли

БАХТИЁРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат медицина институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси комитетлари ҳамда 1-терапевтик стоматология кафедраси жамоаси терапевтик стоматология кафедрасининг ассистенти В. Р. Алимбоевага отаси

Рифқат Жаҳидович АЛИМБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзхимфарм» Ўзбекистон кимё-фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси завод ветерани

Тургун Раҳматуллаевич ТУРСУНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

11—18 ИЮНЬ КУНЛАРИ

Сув қувури тармоғини қайта кесиш ишлари олиб борилиши муносабати билан «ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ» 10-ИССИҚЛИК МАРКАЗИНИ БЕРКИТИБ ҚЎЙИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА.

Ана шу кунларда ТошМИ турар жой шаҳарчаси, Олий ўқув юртлари шаҳарчаси, Ибн Сино даҳаси, ТошМИ комплекси минтақаларига иссиқ сув бериш тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар:

62-68-38, 62-65-55.

«УЗБЕКЭНЕРГО» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Таштеплоэлектроцентраль» корхонаси.

11, 12, 13 июнда

ЖУМҲУРИЯТ МАЪРУЗАЧИЛАР УЙИДА

руҳшунос шифокор И. Г. МЕРИДОНОВНИНГ СЕАНСЛАРИ

ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Айни пайтда узоқни кўрмаслик, қандли диабет, остеохондроз, пешобни тута билмаслик, нафас қисиш, турли хил шол хасталикларидан азоб чекаётган беморлар учун шахсий маслаҳат — суҳбатлар уюштирилади.

Абонементлар сотилмоқда.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси. (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги, 13-уй, «Скопье» магазини яқинида, 14-поликлиника).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-60-39, 44-56-68.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

София кўчаси бўйлаб Энгельс кўчасидан Гвардиячи полковник Хўжаев кўчасигача бўлган участкада иссиқлик трассаси ётқизилиши муносабати билан

1991 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА

КЎЧАНИНГ ЧАП ТОМОНИ БЕРКИЛАДИ

10, 85«э», 179-АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА 14, 19-МАРШРУТ ТАКСИСИ ҲАРАКАТИ София кўчасидан бошлаб У. Юсупов кўчаси, А. Қодирий шоҳкўчаси бўйлаб ҳар икки йўналишда ташкил этилади ва ундан у ёғига ўз йўналишида давом этади. 56-автобус йўналиши София, Энгельс кўчалари бўйлаб «Олой бозори» автостанциясигача бир йўналишда ҳаракатланади. Орқага қайтишда автобуслар ҳаракати «Олой бозори» автостанциясидан бошланиб А. Қодирий шоҳкўчаси, У. Юсупов, Гвардия полковниги Хўжаев кўчалари бўйлаб ташкил этилади ва у ёғига ўз йўналишида давом этади.

88-АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ София, Энгельс, Муртазоев кўчалари, Ленин, А. Қодирий шоҳкўчалари бўйлаб «Олой бозори» автостанциясигача бир йўналишда ташкил этилади. Орқага қайтишда автобуслар ҳаракати «Олой бозори» автостанциясидан бошлаб А. Қодирий шоҳкўчаси, У. Юсупов, София кўчалари бўйлаб ташкил этилади ва у ёғига ўз йўналишида давом этади.

14-МИКРОАВТОБУС ЙЎНАЛИШИ Энгельс кўчасидан бошлаб Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси бўйлаб ҳар иккала йўналишда ташкил этилади ва у ёғига ўз йўналишида давом этади.

152-МИКРОАВТОБУС (маршрутли такси) ҲАРАКАТИ Ж. Обидова кўчасидан бошлаб Энгельс, Гвардия полковниги Хўжаев, София кўчалари бўйлаб ҳар иккала йўналишда ташкил этилади ва у ёғига ўз йўналишида давом этади.

«Шераб дсовхозстрой» трестига қарашли УПТК ташкилоти томонидан **Қобилов Соатмўмин Саттарович** номига берилган 414, 415, 435, 436 номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилди. **Индекс 64690. Д—2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**
Р — 10081.